

«UNA MOLIYA» Микромолия ташкилоти
Масъулияти чекланган жамияти Қўшма
корхонаси Иштирокчиларнинг умумий
йиғилишининг

2024 йил 11 октябрдаги 2-сонли баённомаси
билан

«ТАСДИҚЛАНДИ»

**«UNA MOLIYA» МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТИ
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ**

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Тошкент-2024

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ	3
III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ.....	4
IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.....	4
V. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	4
VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ МУЛКИ.....	6
VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ.....	6
VIII. ИШТИРОКЧИ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИШИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	7
IX. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ	7
X. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ.....	8
XI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТЛАР.....	8
XII. ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ.....	9
XIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	9
XIV. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ	9
XV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ.....	10
XVI. ИЖРОИЯ ОРГАНИ.....	13
XVII. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	16
XVIII. ЖАМИЯТНИНГ ХОДИМЛАРИ	17
XIX. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ	17
XX. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ	18
XXI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ҚЎЛЛАНАДИГАН ҲУҚУҚ.....	18
XXII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	18

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. “UNA MOLIYA” Микромолия ташкилоти Масъулияти чекланган жамияти Қўшма корхонасининг (бундан буён – «**Жамият**») мазкур устави (бундан буён – «**Устав**») Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тузилган. Жамият 2024 йий 28 июнда 2502748-рақами билан Тошкент ш. Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.
- 1.2. Жамият Иштирокчилари қуйидагилардир:
 - (А) **Robocash PTE. LTD** – Сингапур қонунига асосан тегишли тартибда тузилган ва фаолият кўрсатаётган, 201534465К-сонли асосий давлат рақами билан рўйхатдан ўтказилган, 1 George Street, #10-01, One George Street, Singapore, 049145 манзилида жойлашган, бундан буён «**Robocash**» деб юритиладиган компания номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи директори Сергей Седов; ва
 - (В) «**Микрокредитбанк**» АТВ Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият юритувчи, 37-сонли давлат рўйхатидан ўтказилган, рўйхатдан ўтган манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй, бундан кейин «**Микрокредитбанк**», деб юритиладиган компания номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи Бошқарув Раиси Бутаев О.А.
- 1.3. Уставнинг кейинги матнида «**Robocash**» ва «**Микрокредитбанк**» биргаликда «**Томонлар**» ёки «**Иштирокчилар**», алоҳида эса «**Томон**» ёки «**Иштирокчи**», деб юритилади.
- 1.4. Жамиятнинг тўлиқ номи:
 - (i) ўзбек тилида: “UNA MOLIYA” Mikromoliya tashkiloti Ma’suliyati cheklangan jamiyati Qo’shma korxona;
 - (ii) кирилл ёзувига асосланган ўзбек тилида: «УНА МОЛИЯ» Микромолия ташкилоти Масъулияти чекланган жамияти Қўшма корхонаси;
 - (iii) рус тилида: Совместное предприятие Общество с ограниченной ответственностью Микрофинансовая организация «УНА МОЛИЯ»;
 - (iv) инглиз тилида: “UNA MOLIYA” Microfinance organization Joint Venture Limited Liability Company.
- 1.5. Жамиятнинг қисқартирилган номи:
 - (i) ўзбек тилида: “UNA MOLIYA” ММТ МСҲЈ ҚК;
 - (ii) кирилл ёзувига асосланган ўзбек тилида: «УНА МОЛИЯ» ММТ МЧЖ ҚК;
 - (iii) рус тилида: СП ООО МФО «УНА МОЛИЯ»;
 - (iv) инглиз тилида: “UNA MOLIYA” MFO LLC JV.
- 1.6. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
- 1.7. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

- 2.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.
- 2.2. Жамият ўз фаолиятини Устав ва Жамиятнинг Иштирокчилари ўртасида тузилган Таъсис шартномасига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.
- 2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ барча ўзига тегишли мол-мулки билан жавоб беради. Жамиятнинг Иштирокчилари унинг

мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва Жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Жамиятнинг устав фондида ўз хиссасини тўла киритмаган Иштирокчилар Жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир Иштирокчи хиссаси тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

- 2.4. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штамплари ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига эга бўлишга ҳақли.
- 2.5. Жамият ўзининг мустақил балансига, алоҳида мол-мулкига, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир ва судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

- 3.1. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ваколатхоналар ва филиаллар очишга ҳамда алоҳида бўлинмалар тузишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

- 4.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад микромолиялаштириш фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, нобанк кредит ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатишдан иборат.
- 4.2. Жамиятнинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат:
 - (i) микромолиялаштириш фаолиятини амалга ошириш;
 - (ii) тўлов агенти (субагент) ёки банклар, суғурта ва бошқа молиявий ташкилотларнинг агенти функцияларини бажариш;
 - (iii) ўзи амалга ошираётган фаолият билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш;
 - (iv) тадбиркорлик субъектларига кредитлар, лизинг, кафолатлар бериш, факторинг хизматларини кўрсатиш ва исломий молиялаштириш хизматларини кўрсатиш;
 - (v) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида тегишли рўйхатдан ўтганидан кейин микромолиялаштириш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

V. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Жамиятнинг Иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:
 - (i) амалдаги қонунчиликда ва таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш;
 - (ii) Жамият фаолиятининг барча масалалари тўғрисида ахборот ва маълумотномалар олиш ҳамда унинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
 - (iii) фойдани тақсимлашда иштирок этиш ва Жамият фаолиятдан тушган фойданинг Устав фондидаги ўз улушининг миқдorigа мутаносиб қисмини олиш;
 - (iv) ушбу Уставда белгиланган тартибда ушбу Жамиятнинг бир ёки бир нечта Иштирокчиларига Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини (улушнинг бир қисмини) сотиш ёки бошқача тарзда бериш;
 - (v) бошқа Иштирокчиларнинг розилигидан қатъий назар ушбу Уставда белгиланган тартибда исталган вақтда Жамият Иштирокчилари таркибидан чиқиш;
 - (vi) Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.
- 5.2. Жами улушлари Жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган Жамият Иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан Жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган Иштирокчини Жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

- 5.3. Иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилмаган ёки Томонларнинг алоҳида келишувида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.
- 5.4. Жамиятнинг Иштирокчиси қуйидаги мажбуриятларга эга:
- (i) қонун, ушбу Устав ва Таъсис шартномасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиш;
 - (ii) Таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда, миқдорда ва муддатларда Жамиятнинг устав фондида ҳисса қўшиш;
 - (iii) Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик.
- 5.5. Robocash қуйидаги қўшимча мажбуриятларга эга:
- (i) Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 (бир) ой ичида ушбу Уставнинг 7.2-бандига мувофиқ устав фондида ўз улушини тўлаш;;
 - (ii) тасдиқланган Бизнес-режага мувофиқ микромолиявий бизнесни ривожлантириш учун зарур бўлган мавжуд шахсий тажриба ва технологияларни тақдим этиш;
 - (iii) Иштирокчиларларнинг ваколатлари доирасида кундалик операцияларни бошқариш, Жамият стратегиясини ишлаб чиқиш;
 - (iv) технология ва инфратузилмани ривожлантириш, Иштирокчига тақдим этилган ваколатлар доирасида бизнес-режани амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим аҳамиятга эга раҳбар ходимларни бозор шартларида ёллаш;
 - (v) Бизнес-режани амалга ошириш ва бизнесни ривожлантиришга қараб, 17 700 000,00 (ўн етти миллион етти юз минг) АҚШ доллари эквиваленти миқдорида устав фондида қўшимча улуш киритишни таъминлаш.
- 5.6. Микрокредитбанк қуйидаги қўшимча мажбуриятларга эга:
- (i) Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 1 (бир) ой ичида ушбу Уставнинг 7.2-бандига мувофиқ устав фондида ўз улушини тўлаш ;
 - (ii) Бизнес-режани ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон бозоридаги операциялар ва банклар ва микромолия ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик бўйича тегишли билим ва тажрибани тақдим этиш;
 - (iii) Микрокредитбанк ваколатлари доирасида ушбу Устав ва Таъсис шартномаси имзолангандан сўнг 1 (бир) ой ичида Жамият ташкил этилишини ва Жамият ташкил этилганидан сўнг 3 (уч) ой ичида Ўзбекистон Марказий банк томонидан микромолия ташкилотлари реестрига киритилишини таъминлаш учун барча оқилона саъй-ҳаракатларни амалга ошириш, ва агар керак бўлса бошқа барча зарур тартибга солувчи органларнинг рухсатномаларини олиш;
 - (iv) Жамият Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан микромолия ташкилотлари реестрига киритилган ва бошқа барча зарур тартибга солувчи органларнинг рухсатномалари олинган кундан эътиборан 3 (уч) ой ичида ўз микромолиявий портфелини Жамиятга ўтказиши шарт. Жамият мижозлардан микромолиявий портфелни ташкил этувчи микрокредитларни талаб қилиш ҳуқуқини олади; Бундай ўтказишнинг ҳажми ва шартлари Томонлар ўртасида топшириқ шартномасини тузиш йўли билан амалга оширилади, уларнинг шартлари Иштирокчилар томонидан алоҳида муҳокама қилинади;;
 - (v) Бизнес-режада келишилган тартибда Жамиятнинг кредит асосида маблағлар билан таъминлаш учун барча оқилона саъй-ҳаракатларни амалга ошириш;
 - (vi) Бизнес-режани амалга ошириш ва бизнесни ривожлантиришга қараб 11,800,000,00 (ўн бир миллион саккиз юз минг) АҚШ доллари эквиваленти миқдорида устав фондида қўшимча улуш киритишни таъминлаш.
- 5.7. Иштирокчилар Жамият ташкил этилган кунда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигининг нобанк кредит ташкилоти муассислари ва иштирокчиларига қўйилган барча талабларига жавоб беришини таъкидлайди ва қафолатлайди.

- (i) 5.7-бандда белгиланган таъкидлашлар ва кафолатлар номувофик бўлган тақдирда, талабларга жавоб бермайдиган Иштирокчи оқилона вақт ичида, лекин ҳар қандай ҳолатда: Марказий банкда рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этишдан олдин бундай номувофиклик аниқланган бўлса, қонунда белгиланган ҳужжатларни Марказий банкка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиш муддати тугашидан олдин 1 (бир) ойдан кечиктирмасдан мувофиқликни таъминлаш мажбуриятини олади;
- (ii) агар бундай номувофиклик Марказий банкда рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин аниқланса ёки қонунда Марказий банкда рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш муддати тугашига 1 (бир) ойдан кам вақт қолганда – дарҳол.

Агар номувофиқликни белгиланган муддатда бартараф этишнинг илоҳи бўлмаса, Иштирокчилар талабларга жавоб бермайдиган Иштирокчини Жамият иштирокидан чиқариш (чиқиб кетиш) ёки талабларга жавоб бермайдиган Иштирокчини улушини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида нобанк кредит ташкилотининг муассислари ва иштирокчиларига қўйилган талабларига жавоб берадиган иккинчи Иштирокчига ёхуд учинчи шахсга сотиш (ёки бошқа шахсга бериш) тўғрисида қарор қабул қилишлари шарт. Шу билан бирга, талабларга жавоб бермайдиган Иштирокчи бошқа Иштирокчига бундай қоидабузарлик билан боғлиқ бўлган барча тўғридан-тўғри йўқотишларни қоплаш мажбуриятини олади.

- 5.8. Юқоридаги 5.4 – 5.7. бандларида кўрсатилган мажбуриятлар бузилиши ушбу Уставга биноан шартларнинг жиддий бузилиши ҳисобланади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

- 6.1. Жамият ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкдан мустақил равишда фойдаланади.
- 6.2. Жамиятнинг мол-мулки:
- (i) Жамият Иштирокчилари томонидан киритилган улушлар;
- (ii) Жамиятнинг фаолияти натижасида олинган фойда;
- (iii) Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида йўл қўйиладиган асосларда олинган бошқа маблағлардан ташкил топади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

- 7.1. Жамият фаолиятини таъминлаш мақсадида Жамият Иштирокчилари 6,400,000,000 (олти миллиард тўрт юз миллион) сўм миқдорида устав фондини шакллантиришади.
- 7.2. Жамиятнинг устав фонди Иштирокчилар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

<i>Иштирокчилар</i>	<i>Улуш миқдори, %</i>	<i>Улушнинг номинал қиймати</i>
Robocash PTE Ltd	60%	3,840,000,000 сўм
“Микрокредитбанк” АТБ	40%	2,560,000,000 сўм
ЖАМИ:	100%	6,400,000,000 сўм

- 7.3. Жамият Иштирокчилари улушларининг фоиз бўйича мутаносиблиги улушларнинг номинал қиймати ва Жамият устав фондининг миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.
- 7.4. Ҳар бир Иштирокчи ўз улушини Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 1 (бир) ой давомида Жамиятнинг устав фондига тўлиқ киритиши шарт.
- 7.5. Жамиятнинг устав фонди Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида шакллантирилади ва Иштирокчилар томонидан киритилган фақат пул маблағларидан иборат.
- 7.6. Иштирокчилар Бизнес-режани амалга ошириш ва бизнесни ривожлантиришга қараб, Жамият

устав фондини 30 000 000 (ўттиз миллион) АҚШ доллари эквиваленти миқдоргача тенг бўлган ҳиссани бир марталик тўлов ёки Томонлар келишувига кўра бир нечта тўловларга бўлган ҳолда оширишга келишдилар. Томонлар ҳар қандай ҳолатда ҳам Иштирокчининг устав фондидаги улуши қуйидагича сақланиб қолиши ҳақида келишдилар: Robocash – 60% ва Микрокредитбанк – 40%. Иштирокчилар устав фондини 30 000 000 (ўттиз миллион) АҚШ долларидан ортик оширишга келишишлари мумкин, агар ҳар икки томон келишилган бўлса ва бундай кўпайтириш Иштирокчилар ўртасида улушларни тақсимлаш нисбатини сақлаб қолган ҳолда ўзаро тасдиқланган Узоқ муддатли бизнес-режага мувофиқ бўлса.

- 7.7. Жамият Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига асосан Жамият устав фонди кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Шу билан бирга, Жамиятнинг устав фондида Иштирокчиларга тегишли улушларнинг ўзаро нисбати ҳар бир Иштирокчи томонидан олдиндан маъқулланмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин эмас.
- 7.8. Жамиятнинг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин кўпайтирилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш Иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига ва Жамиятга қабул қилинган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Жамиятнинг устав фондидаги улушларни олиш учун қарзга олинган, гаровга қўйилган ёки бошқа усул билан фойдаланиши чегараланган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.
- 7.9. Жамиятнинг устав фондини камайтириш Жамиятдаги барча Иштирокчилар улушларининг номинал қийматини камайтириш орқали амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кун ичида Жамиятнинг устав фонди камайтирилгани ва унинг янги миқдори тўғрисида ўзига маълум бўлган Жамиятнинг барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши шарт. Устав фондининг миқдори, агар бундай камайиш натижасида устав фондининг миқдори қонунда белгиланган энг кам миқдордан кам бўлса, камайтирилиши мумкин эмас.
- 7.10. Жамиятнинг Устави ва Таъсис шартномасига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

VIII. ИШТИРОКЧИ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИШИНING ОҚИБАТЛАРИ

- 8.1. Жамиятнинг Иштирокчиси режалаштирилган чиқиш санасидан 1 (бир) ой олдин Жамиятга ва қолган Иштирокчиларга ўзининг Жамиятнинг Иштирокчилари сафидан чиқиш нияти ҳақидаги хабарномани юборгандан кейин исталган вақтда Жамиятдан чиқишга ҳақли бўлади. Жамиятни тарк этган тақдирда, чиқиб кетаётган Иштирокчи қолган Иштирокчига Уставнинг 5.5 (v) ёки 5.6 (vi) бандларида кўрсатилган мажбуриятларга мос келадиган миқдорда чиқиш тўловини тўлаши шарт.
- 8.2. Шунингдек, Жамият Иштирокчиси устав фондидаги ўз улушини Жамиятнинг бошқа Иштирокчиларига ёки учинчи шахсларга ушбу Уставда, Таъсис шартномасида ва (ёки) Томонлар ўртасида тузилган алоҳида келишувда белгиланган тартибда сотиши ёки бошқача тарзда ўтказиши мумкин.
- 8.3. Жамият чиқаётган Иштирокчига унинг улушининг адолатли қийматини тўлаши ёки худди шу қийматдаги мулкни бериши шарт, бунда улушнинг адолатли қиймати улушнинг ҳақиқий қийматидан кам бўлмаслиги шарт.

IX. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТИШИ

- 9.1. Жамият Иштирокчиси Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини (унинг бир қисмини) ушбу Жамиятнинг бир ёки бир нечта Иштирокчиларига сотиш ёки бошқача тарзда воз кечиш ҳуқуқига эга.
- 9.2. Иштирокчи қуйидаги барча шартларни бир вақтнинг ўзида бажариш шarti билан Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини (унинг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиш ёки бошқача тарзда воз кечиш ҳуқуқига эга:
 - (i) бундай сотиш (бошқа шахсга бериш) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигининг нобанк кредит ташкилоти муассислари ва Иштирокчиларга қўйилган

талабларига ва Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунчилигига риоя қилиши;

(ii) Жамият устав фондининг ўн ёки ундан ортиқ фоизини бир ёки бир нечта битимлар доирасида сотиш (топшириш) ҳолларида - Марказий Банкнинг олдиндан рухсати мавжудлиги.

9.3. Жамият Иштирокчилари Жамият Иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) ҳар қандай Иштирокчи томонидан сотилган тақдирда, учинчи шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга. Жамиятнинг ҳар бир Иштирокчиси ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин ва улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олиш Жамият Иштирокчилари томонидан уларнинг устав фондидаги улушлари миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

9.4. Агар Жамиятнинг бошқа Иштирокчилари унинг Иштирокчиси томонидан сотилган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олиш бўйича ўзларининг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлсалар, Жамият ушбу улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

9.5. Жамият Иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланишигача бўлган даврда фақат тўланган қисмидагина ўтказилиши мумкин.

9.6. Улушни (улушнинг бир қисмини) ўтказиш оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

Х. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

10.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- (i) Жамиятнинг Устави ва Таъсис шартномаси, шунингдек таъсис ҳужжатларига киритилган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчалар;
- (ii) Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомалари;
- (iii) Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;
- (iv) Жамиятнинг Марказий банкда рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- (v) Жамиятнинг балансидаги мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- (vi) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
- (vii) Жамият ижро этувчи органининг баённомалари;
- (viii) аудиторлик ташкилотининг Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича хулосалари;
- (ix) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

10.2. Жамият юқорида кўрсатилган ҳужжатларни унинг ижроия органи жойлашган ерда сақлайди.

10.3. Қонунчиликда бошқа тартиб белгиланган бўлмаса, Жамият ушбу Уставнинг 10.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни доимий асосда сақлаши керак.

10.4. Жамият ҳар қайси Иштирокчининг талабига кўра ахборотни, шунингдек, Устав ва Таъсис шартномасини ва уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ёки уларнинг нусхасини тақдим этиши шарт.

ХИ. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТЛАР

11.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз маҳсулоти ва хизматларига нархларни бозор шароитларига асосланган ҳолда белгилайди.

11.2. Жамият мустақил равишда бухгалтерлик ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботларни қонунчиликда белгиланган тартибда юритади.

11.3. Жамият ташкилий тузилмасини, штатлар жадвалини ва иш ҳақини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ мустақил белгилайди.

11.4. Жамият ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботларни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органларига тақдим этади.

ХИИ. ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ

12.1. Жамият Иштирокчилар ўртасида соф фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг

қолган маблағ Жамиятнинг фойдасини ташкил этади ва фойда Иштирокчилар ўртасида Жамият устав фондида уларга тегишли бўлган улушларга мутаносиб тақсимланади.

- 12.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда Жамият соф фойдани тақсимлаш ва (ёки) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.
- 12.3. Фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан ҳар йили 30 июндан кечиктирмай қабул қилинади. Бунда фойда Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан 60 (олтмиш) календар куни ичида тақсимланиши ва Иштирокчиларга тўланиши керак.

XIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

- 13.1. Жамиятнинг бошқарув органлари:

- (i) Жамият Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши – Жамиятнинг олий бошқарув органи;
- (ii) Кузатув кенгаши – Жамиятнинг назорат органи;
- (iii) Бошқарув – Жамиятнинг коллегиял ижроия органи ҳисобланади.

- 13.2. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилиши мумкин.

XIV. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ УМУМий ЙИҒИЛИШИ

- 14.1. Жамият Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

- 14.2. Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказишда Иштирокчилар Жамият устав фондидаги ўз улушларига мутаносиб овозлар сонига эга бўладилар.

- 14.3. Йиллик Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ҳар календар йилининг узоғи билан 30 июн кунигача ўтказилиши керак. Навбатдан ташқари Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши заруратга қараб ўтказилади.

- 14.4. Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- (i) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (ii) Жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- (iii) Устав ва Таъсис шартномасига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- (iv) Кузатув кенгашини шакллантириш ва тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
- (v) Узоқ муддатли Бизнес-режа, йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- (vi) Жамиятнинг соф фойдасини Жамият Иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (vii) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- (viii) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- (ix) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- (x) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- (xi) тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - (xii) қиймати Жамият мулки қийматининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлган мол-мулкни сотиб олиш, сотиб юбориш ёки Жамият томонидан бевосита ёки билвосита мол мулкни бегона шахс тасарруфига ўтказиш имконияти билан боғлиқ йирик битимлар тузиш тўғрисида бундай битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия маълумотлари асосида қарор қабул қилиш;
 - (xiii) Жамиятга учинчи шахсларни қабул қилиш, янги қабул қилинган учинчи шахсларнинг бадаллари ҳисобига Жамиятнинг устав фондини ошириш ва/ёки Иштирокчилардан бирининг қўшимча ҳиссаси ҳисобига Жамиятнинг Устав фондини ошириш тўғрисидаги қарорлар;
 - (xiv) Жамият томонидан манфаатдорлик бўлган битимни амалга ошириш тўғрисидаги қарор (Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасида белгиланган). Бунда битим бўйича тўлов суммаси ёки битим предмети бўлган мол-мулк қиймати охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 5 (беш) фоизидан ошиши керак.
 - (xv) «Масъулити чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 14.5. Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорлари Жамият иштирокчилари умумий овозларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 14.6. Ушбу Уставнинг 14.4 (i), 14.4 (ii), 14.4 (iii), 14.4 (iv), 14.4 (v), 14.4 (viii), 14.4 (x), 14.4 (xi), 14.4 (xii), 14.4 (xiii) and 14.4 (xiv) бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар бир овоздан қабул қилинади.

XV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

- 15.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятининг умумий бошқарувини амалга оширади, Иштирокчилар умумий йиғилишининг ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. Кузатув кенгашининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Устав ва Кузатув Кенгаши тўғрисидаги низом (агар мавжуд бўлса) билан белгиланади.
- 15.2. Кузатув кенгаши аъзолари ишчанлик обрўсига доир Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган талабларга жавоб бериши керак. Ҳар бир Иштирокчи Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлашда ушбу талабларга риоя этилиши учун жавобгардир. Кузатув кенгаши аъзолари томонидан талабларга риоя қилмаслик аниқланган тақдирда, Кузатув кенгашининг бундай аъзоси дарҳол унинг таркибидан чиқариб юборилади, Кузатув Кенгаши мажлисларида овоз бериш ва иштирок этиш ҳуқуқини йўқотади ҳамда Кенгаш аъзоларига берилган барча ваколатлардан маҳрум этилади, бундай қарорнинг ижро этилишидан қатъи назар. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган Кузатув Кенгаши аъзоси алмаштирилиши керак. Кузатув Кенгашининг янги аъзоси мазкур Устав ва қонунда белгиланган тартибда тайинланади.
- 15.3. Кузатув Кенгашининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:
- (i) йиллик Бизнес-режани тасдиқлаш;
 - (ii) бюджетларни, бошқа бошқарув режаларини, шу жумладан инвестиция режаларини, шунингдек уларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш;
 - (iii) бошқарув аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномалари шартларини белгилаш (тасдиқлаш), шунингдек Жамият номидан Бошқарув органи аъзолари билан меҳнат шартномаларини имзолаш ваколатига эга бўлган шахсни тайинлаш;
 - (iv) Ички аудит хизматини яратиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
 - (v) Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилишини тайёрлаш, чақириш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;
 - (vi) муҳим аҳамиятга эга ходимлар билан, келишилган рўйхатга асосан, меҳнат

шартномаларини тузиш, бекор қилиш ва узайтиришни тасдиқлаш;

- (vii) келишилган рўйхатга асосан ички сиёсатни ва ички ҳужжатларни тасдиқлаш;
 - (viii) Жамият томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳар бир календар йили учун умумий қиймати охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 25 (йигирма беш) фоиздан 50 (эллик) фоизгача бўлган мол-мулкни сотиб олиш, бегоналаштириш ёки бегоналаштириш имконияти билан боғлиқ йирик битимлар тузишни тасдиқлаш;
 - (ix) Жамият томонидан манфаатдорлик бўлган битимни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш (Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасида белгиланган). Бунда битим бўйича тўлов суммаси ёки битим предмети бўлган мол-мулк қиймати охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 5 (беш) фоизидан ошмаслиги керак.
 - (x) қиймати охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 50 (эллик) фоизидан ошмайдиган қуйидаги битимлар тузишни тасдиқлаш:
 - a) кўчмас мулк билан боғлиқ ҳар қандай битимларни тасдиқлаш;
 - b) интеллектуал мулк ва бошқа номоддий активлар билан тузилган ҳар қандай битимларни тасдиқлаш;
 - c) ҳар қандай молиявий битимларни тасдиқлаш, Жамият ёки учинчи шахслар учун ҳар қандай кафолатлар (кафолатлар, гаровлар ва бошқалар) тақдим этиш;
 - d) ҳар қандай бир томонлама битимларни, хайрияларни тасдиқлаш;
 - e) Битим суммаси Жамият соф активлари умумий қийматининг 25 (йигирма беш) фоизидан ортиқ бўлган тендер жараёнида иштирок этишни тасдиқлаш;
 - f) облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш савдо воситаларининг эмиссиясини тасдиқлаш;
 - g) ҳар қандай шаклдаги давлат ёрдами тасдиқлаш;
 - h) ҳар қандай молиявий дериватив шартномаларни тасдиқлаш;
 - (xi) суд жараёнини кўзғатиш, агар унинг қиймати Жамият соф активлари умумий қийматининг 10-25 фоизидан ортиқ бўлса, суд жараёни доирасида Жамиятнинг асосий ҳаракатларини олдиндан тасдиқлаш;
 - (xii) штат жадвалини тасдиқлаш;
 - (xiii) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Кузатув кенгашининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар.
- 15.4. Кузатув Кенгашининг шахсан/сиртдан/онлайн тарзда ўтказиладиган мажлислари учун кворум 4 (тўрт) нафар аъзодан иборат, бунда Robocash томонидан тайинланган 3 (уч) нафар аъзо ва Микрокредитбанк томонидан тайинланган камида 1 (бир) нафар аъзо бўлиши керак. Агар Микрокредитбанк томонидан тайинланган аъзолар бирон-бир сабабга кўра иштирок этмаса, бу кворумнинг йўқлигига олиб келади, йиғилиш қайта чақирилади ва қайта чақириладиган йиғилиш учун кворум Robocash томонидан тайинланган 3 (уч) нафар аъзо ҳисобланади.
- 15.5. Уставнинг 15.3-бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, шунингдек Кузатув Кенгашининг кун тартибига қўйилган бошқа қарорлар Кузатув кенгаши томонидан мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади (овоз бериш орқали).
- 15.6. Кузатув Кенгаши Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади ва 5 (беш) нафар аъзолардан ташкил топади, булардан 3 (уч) нафар аъзоларга номзодлар Robocash томонидан, қолган 2 (икки) нафар аъзоларга номзодлар – Микрокредитбанк томонидан тақдим этилади. Кузатув кенгаши Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан янги Кузатув кенгаши янги таркибнинг тасдиқланишигача бўлган муддатга тасдиқланади. Шу билан биргаликда,

Иштирокчилар Кузатув кенгаши ўзлари томондан таклиф қилинган аъзоларининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилишини талаб қилишга ва ушбу бандда кўрстатилган шартларга амал қилган тарзда Кузатув кенгашининг янги аъзоларини тасдиқлашга ҳақли.

- 15.7. Кузатув Кенгашининг раиси ва котиби Кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади.
- 15.8. Бошқарув аъзолари ва раиси Кузатув кенгаши аъзоси бўла олмайди.
- 15.9. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўланиши ва (ёки) уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Ҳақлар ва товонларнинг миқдорлари Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.
- 15.10. Жамиятнинг Иштирокчилари бўлмаган Кузатув кенгашининг аъзолари ва Бошқарув раиси Иштирокчилар умумий йиғилишида маслаҳат овози билан қатнашиши мумкин.
- 15.11. Кузатув кенгаши аъзосининг овоз бериш ҳуқуқини ўзга шахсларга, шу жумладан Кузатув Кенгашининг бошқа аъзоларига ўтказишига йўл қўйилмайди. Кузатув кенгаши мажлисларининг баённомалари Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан имзоланади.
- 15.12. Кузатув Кенгаши ҳар чоракда Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги Бош Директорнинг ҳисоботларини эшитади.
- 15.13. Иштирокчилар Кузатув Кенгашининг Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим бўлган битимлар қиймати бўйича Жамият ташкил этилган пайтдаги ваколатлари охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 50 (эллик) фоизига тенг бўлган миқдорда чеклашга келишдилар. Жамиятнинг устав фонди 15 000 000 (ўн беш миллион) АҚШ доллари эквивалентига етиши билан Иштирокчилар Уставга ўзгартиришлар киритадилар ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим бўлган битимлар қиймати бўйича Кузатув кенгаши ваколатларини чеклайдилар, ва бундай қиймат охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 15 (ўн беш) фоизидан ва 25 (йигирма беш) фоизигача ташкил этади.

XVI. ИЖРОИЯ ОРГАНИ

- 16.1. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи Жамият фаолиятини ташкил этувчи ва Жамиятнинг қундалик фаолиятини амалга оширувчи Бошқарув ҳисобланади. Бошқарувнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида”, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолият тўғрисида”ги қонунлари, Устав ва Бошқарув тўғрисидаги низом (агар мавжуд бўлса) билан белгиланади.
- 16.2. Бошқарув аъзолари қонунда белгиланган малака талабларига ва ишчанлик обрўсига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак. Ҳар бир Иштирокчи Бошқарув аъзоларини тайинлашда ушбу талабларга риоя қилиш учун жавобгардир. Бошқарув аъзолари томонидан қонунга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Бошқарувнинг бундай аъзоси зудлик билан унинг таркибидан чиқариб юборилади, Бошқарув мажлисларида овоз бериш ва иштирок этиш ҳуқуқини йўқотади ҳамда Бошқарув аъзоларига берилган барча ваколатлардан маҳрум этилади, бундай қарорнинг ижро этилишидан қатъи назар. Белгиланган талабларга жавоб бермайдиган Бошқарув аъзоси алмаштирилиши лозим. Бошқарувнинг янги аъзоси мазкур Устав ва қонунда белгиланган тартибда тайинланади.
- 16.3. Бошқарув Жамият Иштирокчилари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилади.
- 16.4. Жамият коллегиял ижроия органининг ваколатига Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалалар киради, Иштирокчилар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно.
- 16.5. Бошқарув 5 (беш) нафар аъзодан иборат бўлади. Бошқарув раиси, Жамият Бошқаруви аъзоси бўлиб, Бошқарувга раислик этади. Бошқарув аъзолари 2 (икки) йил муддатга Кузатув кенгаши аъзолари томонидан тайинланади. Сайлангандан (тайинлангандан) сўнг раис ва Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси билан меҳнат шартномаси тузилади. Жамият номидан шартнома Кузатув

кенгашининг раиси ёки Кузатув Кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

16.6. Бошқарув аъзолари ушбу Уставда, лавозим йўриқномаларида, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартларида, Иштирокчилар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг, Бошқарувнинг қарорлари ва Бошқарув раисининг фармойишларида белгиланган ваколатлар доирасида иш юритадилар.

16.7. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари:

- (i) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар бериш;
- (ii) ходимларни рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш;
- (iii) ўз ваколатлари доирасида Жамиятни бошқариш бўйича ўз ваколатларини эркин амалга ошириш.

16.8. Бошқарув ишининг раҳбарлигини Бошқарув раиси амалга оширади. Бошқарув раиси Жамиятнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таъминлаши, Иштирокчилар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Бошқарув қарорларининг бажарилишини ташкил этиши ҳамда ушбу Уставда, Иштирокчилар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларида белгиланган ваколатлар доирасида ўз фаолиятини амалга ошириши шарт.

16.9. Бошқарув раиси ва аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари Жамият Бошқаруви тўғрисидаги Низом, лавозим йўриқномалари, Жамиятнинг маҳаллий норматив ҳужжатлари ва улар билан тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланади.

16.10. Кенгаш жамият фаолиятига оид энг муҳим масалаларни ҳал этиш учун чақирилади. Бошқарув мажлислари Бошқарув раиси томонидан ташкил этилади.

16.11. Бошқарувнинг шахсан/сиртдан/онлайн шаклда ўтказиладиган мажлислари учун кворум камида 3 (уч) нафар аъзодан иборат бўлиб, унда Бошқарув раиси иштирок этиши шарт. Кворум йўқлиги сабабли қолдирилган йиғилишда фақат бекор қилинган йиғилиш кун тартибига киритилган ва бир овоздан қарор қабул қилишни талаб қилмайдиган масалалар кўриб чиқиши мумкин. Йиғилиш яқунлари бўйича қарорлар баённома шаклида қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган Бошқарувнинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

16.12. Қарорлар Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Агар Бошқарув аъзоларидан бири овоз бериш жараёнида бирон-бир сабабга кўра қатнашмаган бўлса, бу овозлар тенг бўлишига олиб келса ва қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилиниши мумкин бўлмаса, Бошқарув раиси томонидан овоз берилган қарор қабул қилинади. Агар Бошқарув Раиси қатнашмаган бўлса, бу масала Кузатув Кенгашига ҳал қилиш учун юборилади.

16.13. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

- (i) охирги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 25 (йигирма беш) фоизгача бўлган миқдорда Жамият мулкани сотиб олиш ва бегоналаштириш бўйича операцияларни амалга ошириш;
- (ii) охирги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 5 (беш) фоизидан кўп бўлмаган Жамият мулкани ҳисобдан чиқариш;
- (iii) Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш;
- (iv) Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Кузатув Кенгашининг талабига биноан тақдим этиш;
- (v) йиллик бюджетларни, йиллик ва узоқ муддатли Бизнес-режаларни, ривожланиш режаларини, шу жумладан инвестиция режаларини, шунингдек уларга қўшимчалар ва ўзгартиришларни тайёрлаш ва олдиндан тасдиқлаш;
- (vi) битим нархи Жамият соф активларининг 25 (йигирма беш) фоизидан ортиқ бўлган тендерда иштирок этиш билан боғлиқ қарорларни тайёрлаш ва дастлабки тасдиқлаш;

- (vii) Жамиятнинг муҳим аҳамиятга эга ходимларини ишга қабул қилиш тўғрисидаги қарорларни олдиндан тасдиқлаш, улар билан тузилган меҳнат шартномалари шартларини тасдиқлаш, уларнинг ваколатларини узайтириш ва (ёки) муддатидан олдин тугатиш;
- (viii) Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши шарт бўлмаган ички ҳужжатларни тасдиқлаш;
- (ix) Иштирокчилар Умумий Йиғилиши ёки Кузатув Кенгаши ваколатига кирмайдиган бошқа масалалар.

Шу билан бирга, ушбу Устав билан Бошқарув ваколатига киритилган, лекин йирик битимлар ёки манфаатдор шахсларнинг битимларини тузишга олиб келадиган масалалар Жамиятнинг тегишли корпоратив бошқарув органларининг амалдаги қонунчиликда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда розилигини талаб қилади.

16.14. Бошқарув Раиси Жамият соф активларининг 5 (беш) фоизи миқдориди:

- (i) Жамият номидан иш юритади, ишончномасиз вакиллик қилади, бошқа ташкилотлар ва бошқа органлар, шу жумладан давлат ҳокимияти органлари билан муносабатларда Жамият манфаатларини ҳимоялайди;
- (ii) Жамият фаолиятини бошқаради ва ўз ваколатлари доирасида мустақил равишда қарорлар қабул қилади;
- (iii) Жамиятнинг кундалик тадбиркорлик фаолиятининг саноат, ташкилий, молиявий ва тижорат масалаларини бошқаради;
- (iv) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Уставда белгиланган тартибда шартномалар ва битимлар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади;
- (v) Жамият ходимларидан меҳнат шартномаси, ички меҳнат қоидалари ва Жамиятда амалдаги бошқа қоидаларга мувофиқ ишларни бажаришни талаб қилиши мумкин;
- (vi) Жамиятнинг жорий ва бошқа банк ҳисобварақларини очади ва ёпади;
- (vii) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Уставда белгиланган тартибда битимлар тузади, Иштирокчилар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига кирувчи битимлар бундан мустасно;
- (viii) Жамият мулкни ушбу Уставда назарда тутилган чегаралар доирасида тасарруф этади;
- (ix) Жамият фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича буйруқ ва кўрсатмалар беради ва ушбу буйруқлар Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурийдир;
- (x) Жамият ходимларига нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллайди ва интизомий жазо чораларини қўллайди, шунингдек, бундай масъулиятни Компания ходимларига юклайди;
- (xi) Жамиятнинг таркибий ва кадрлар рўйхатини тасдиқлайди, Жамиятга малакали кадрларни ишга олади, муҳим аҳамиятга эга ходимлар бундан мустасно;
- (xii) банк ҳужжатларига биринчи ва иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатларини тасдиқлайди;
- (xiii) Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чақиришни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради, хусусан, бўлажак умумий йиғилиш тўғрисида хабарномалар юборади, барча зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа барча масалаларни ҳал қилади.
- (xiv) Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
- (xv) Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган фармон ва кўрсатмалар чиқаради.

Охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки кийматининг 5 (беш) фоиздан ортигини бегоналаштириш ёки олиб қўйиш эҳтимолини олиб келадиган ушбу бандда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар

Бошқарув томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва тегишли баённома билан тасдиқланади.

Жамият Бошқаруви раиси конунга, ушбу Уставга ва Жамият низомларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга (ваколатларга) ҳам эга бўлиши мумкин.

16.15. Бошқарув Раиси қуйидагиларга мажбурдир:

- (i) ўз вазифаларини виждонан бажариш, меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг қонуний буйруқларини, хавфсизлик чоралари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўз вақтида ва аниқ бажариш;
- (ii) Жамиятнинг ички маҳаллий ҳужжатлари, буйруқлари, сиёсатлари, тартиблари, ва қоидаларига (масалан, ички меҳнат қоидалари, хавфсизлик қоидалари, махфийлик сиёсати ва бошқалар) риоя қилиш;
- (iii) Иштирокчилар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш;
- (iv) Жамиятнинг шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- (v) Жамият дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва бошқариш;
- (vi) Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини йиллик Бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни (ҳар 6 ойда бир марта), шунингдек ўз ваколатига тааллуқли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиши;
- (vii) Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчилик асосида фаолият юритиш;
- (viii) Жамият фаолиятида қонунга, шунингдек, Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш;
- (ix) Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини тузиш ҳолатини ва ишончилигини тўғри ташкил этишни, йиллик ҳисоботларни ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этишни, шунингдек Жамиятнинг ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни Иштирокчиларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчилар таъминлаш;
- (x) Иштирокчилар умумий йиғилишининг талабига биноан Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни эркин тақдим этиш;
- (xi) тегишли органларга давлат статистика ҳисоботи, молиявий, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларининг тўлиқлиги ва ўз вақтида тақдим этилишини кафолатлайди;
- (xii) Жамиятнинг тижорат, расмий ва бошқа сирларини ташкил этувчи маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш;
- (xiii) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг энг яхши билим, кўникма, тажриба ва қобилиятларидан фойдаланиш чораларини кўриш;
- (xiv) Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан топширилиши мумкин бўлган бошқа мажбуриятларни бажариш.

16.16. Жамият Бошқаруви ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини ҳисобга олиши шарт.

16.17. Жамият Бошқаруви раиси ва аъзоларини лавозимидан озод этиш (ваколатларини тугатиш) тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

16.18. Жамият раиси ва Бошқарув аъзолари томонидан ушбу Уставнинг ва меҳнат шартномасининг шартлари кўпол равишда бузилган ёки Жамият Бизнес-режасининг тасдиқланган параметрларининг бажарилиши бузилган ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга зарар етказган тақдирда, тузилган меҳнат шартномаси компания Кузатув кенгаши томонидан эрта бекор қилиниши мумкин.

16.19. Агар Жамият Бошқаруви томонидан аффилланган шахслар билан битим ёки йирик битим тузиш ёки манфаатдорлик бўлган битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида Жамиятга

бошқарув аъзоларнинг айби зарар етказилган бўлса ва Жамият Бошқарувининг айбдориги қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, улар мол-мулк етарли бўлмаган тақдирда Жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарзларини қоплаш мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўладилар.

- 16.20. Иштирокчилар Бошқарувнинг Кузатув Бошқарув томонидан тасдиқланиши лозим бўлган битимлар қиймати бўйича Жамият ташкил этилган пайтдаги ваколатлари охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи билан чеклашга келишдилар. Жамиятнинг устав фонди 15 000 000 (ўн беш миллион) АҚШ доллари эквивалентига етиши билан Иштирокчилар Уставга ўзгартиришлар киритадилар ва Бошқарув томонидан тасдиқланиши лозим бўлган битимлар қиймати бўйича Бошқарув ваколатларини чеклайдилар, ва бундай қиймат охириги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг 15 (ўн беш) фоизигача ташкил этади.

XVII. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

- 17.1. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат Жамият Иштирокчилари томонидан Кузатув кенгаши, Ички аудит хизмати орқали, шунингдек, Иштирокчилар Умумий Йиғилишининг тегишли қарори асосида мустақил аудиторлик ташкилотини жалб қилиш йўли билан амалга оширилади.
- 17.2. Жамият Кузатув кенгаши, Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган қундан эътиборан 1 (бир) ойдан кечиктирмай Ички аудит хизматини тузиши ва унинг Жамиятнинг бутун фаолияти давомида ишлашини таъминлаши шарт. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳисобот беради.
- 17.3. Ички аудит хизмати Бошқарув, шунингдек унинг филиаллари фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашни, уларнинг қонунчиликка, таъсис ҳужжатларига ва бошқа ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш ва назорат қилиш йўли билан амалга оширади, молиявий ва хўжалик операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибини белгилайди; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги, шунингдек, активларнинг сақланишини таъминлайди.
- 17.4. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашининг қарори билан камида 2 (икки) нафар ходимдан иборат таркибда тузилади, булардан: 1 (бир) нафар ходим Микрокредитбанк томонидан тайинланган Кузатув Кенгаши аъзоларининг таклифига биноан, 1 (бир) нафар ходим — Robocash томонидан тайинланган Кузатув Кенгаши аъзоларининг таклифига биноан тайинланади. Ички аудит хизмати раҳбари Микрокредитбанк томонидан тайинланган Кузатув кенгаши аъзоларининг таклифига биноан тайинланади.
- 17.5. Ички аудит хизмати ходимлари бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида охириги ўн йилдан камида икки йил давомида амалий тажрибага (шу жумладан тўлиқсиз иш вақти) эга бўлиши ва қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:
- (i) ички аудитор сертификатига эга бўлиши;
 - (ii) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглаштирилган деб эътироф этилган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиши.
- 17.6. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудиторлик сертификатига эга бўлиши керак.
- 17.7. Ички аудит хизмати ходимлари ҳар йили Жамият Кузатув кенгаши томонидан аттестациядан ўтказилади.
- 17.8. Ички аудит хизмати ҳар чоракда Кузатув кенгашига ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисида, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Жамият молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрган ҳолда ҳисобот тақдим этади.
- 17.9. Ички аудит хизматининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида”, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низоми, Устав ва Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомлар (агар у белгиланган тартибда Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлса) билан тартибга солинади.

ХІХ. ЖАМИЯТНИНГ ХОДИМЛАРИ

- 18.1. Жамиятнинг ўз ходимлари билан муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Уставда назарда тутилган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тузиладиган меҳнат шартномалари асосида тартибга солинади.
- 18.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари, Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини бажарувчи бош бухгалтери ёки бошқа мансабдор шахси, филиаллар раҳбарлари, шунингдек Марказий Банк томонидан белгиланадиган бошқа шахслар (кейинги ўринларда муҳим аҳамиятга эга ходимлар деб юритилади) ишчанлик бўйсига қўйиладиган талабларга ва қонунга мувофиқ малака талабларига жавоб бериши керак.
- 18.3. Ишчанлик бўйсига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- (i) иқтисодий соҳадаги жиноятлар, бошқарувга қарши жиноятлар ва терроризмни молиялаштириш ва жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун судланганлик муддати ўталмаган ёки олиб ташланмаганлиги;
 - (ii) молия (кредит) ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ёки унинг банкрот бўлишига, лицензияси чақириб олинишига ёки микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқарилишига олиб келган ҳаракатлар содир этишга ва (ёки) ҳаракатсизликка раҳбар ходимнинг алоқадорлиги тўғрисидаги далилларнинг мавжуд эмаслиги.
- 18.4. Малакавий талаблар ўз ичига олади
- (i) Бошқарув раҳбари олий иқтисодий маълумотга ёки банк-молия соҳасида камида икки йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;
 - (ii) камида икки йил бухгалтерия ҳисоби ёки молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ёки аудит билан боғлиқ иш тажрибаси.

ХІХ. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

- 19.1. Учинчи шахсларга маълум бўлмаган, тижорат қимматига эга бўлган ва қўлланиш тартиби қонунда белгиланган ҳар қандай ахборот Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этади. Жамият бундай ахборотнинг махфийлигини таъминлайди.
- 19.2. Сир махфийлигини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг ходимлари:
- (i) иш берувчи томонидан белгиланган тартибга амал қиладилар;
 - (ii) иш берувчининг розилигисиз сирни ошкор этмаслик ва ундан шахсий мақсадларга фойдаланмаслик мажбуриятини ўз зиммасига оладилар;
 - (iii) меҳнат шартномаси яқунланганидан кейин тижорат сирини сақланаётган меҳнат муносабатлари даврида фойдаланилган барча воситаларни топширишлари ёки бундай воситаларни иш берувчининг назоратида йўқ қилишлари керак.

ХХ. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

- 20.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.
- 20.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарори асосида қўшиб юбориш, бирлаштириш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилади.
- 20.3. Жамият Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарори билан ихтиёрий тартибда ҳамда суднинг қарори билан қонунда белгиланган тартибда тугатилиши мумкин.
- 20.4. Жамиятни тугатиш тўғрисидаги маълумотлар юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига

киритилгандан сўнг Жамият тугатилган, Жамиятнинг фаолияти эса тўxtатилган ҳисобланади.

XXI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ҚЎЛЛАНАДИГАН ҲУҚУҚ

- 21.1. Жамият Иштирокчилари ўртасидаги низолар музокаралар орқали ҳал қилинади. Ушбу Устав бўйича қўлланадиган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳисобланади.
- 21.2. Уставнинг 22.1-бандида кўрсатилган қоидалар бажарилиши шarti билан, низоларни музокаралар орқали ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Жамият рўйхатдан ўтказилган манзил бўйича Ўзбекистон Республикасининг ваколатли суди орқали ҳал қилинади.

XXII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 22.1. Устав Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг кучга киради.
- 22.2. Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, Таъсис шартномаси қоидаларига ёки Иштирокчилар ўртасида тузилган алоҳида келишувга мувофиқ белгиланади.
- 22.3. Жамият Таъсис шартномаси қоидалари билан ушбу Устав қоидалари мос келмаган ҳолларда ушбу Устав қоидалари учинчи шахслар ва Иштирокчилар учун устувор кучга эга бўлади.

ИШТИРОКЧИЛАР:

Robocash PTE LTD

“Микрокредитбанк” АТВ


Торутаев А.

2024 йил 6 июнда берилган ишончнома
асосида иш юритувчи


Бутаев О. А.

Бошқарув Раиси